

"МЕН ЖИННИ
ЭМАСМАН"

ЎХУД НОҲАҚ ЧИҚАРИЛГАН СУД АЖРИМИНИНГ
ТУРФАД ХАВФЛАРИ ХУСУСИДА

4-б.

ДУҲЭнинг
ИШЛАРИ

ЖУРИДИК СЎРЎШТИРУВИ

5-б.

ПУЛИНГИЗ БЎЛСА,
ТЎЙГА БОРИНГ

КЕЛМИ ОСОНИК БИЛАН
КЕЛМАГАН ЭКАН...

6-б.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КОАЛИЦИЯ ҚЎШИЛАРИ ИРОҚ
ПОЙТАХТИНИ ҚУРШОВГА ОЛД

7-б.

Mustaqillik huquq demakdir

НУШУШУ

YURIDIK GAZETA

Апрел

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	

2003

14

(277)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan.

E-mail: huquq@infonet.uz

Амир
Темур
таваллуд
топган
кунга
667 йил
тўлди



НОМИ ДОСТОН СОҲИБҚИРОН

АВЛОДЛАР хотирасида ўчмас из қолдирган, инсониятнинг тараққиёт йўналишини ўзгартиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшган Амир Темур каби буюк шахслар тарихда кам учрайди.

Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, Амир Темур буюк стратег, моҳир сиёсатчи, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийсидир. У ас-

рлар давомида шарқу ғарб давлатларига андоза бўлувчи, қонуналар ва урф-одатларга асосланган давлат барпо этган.

Яна қўлаб ибратли фазилатлар соҳиби бўлган Амир Темур ва унинг давлати жаҳон сиёсий доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотиб келган.

(Давоми 2-бетда)

MUNOSABAT

ЎҚУВЧИ ИККИЛАНМАСИН

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинганга мана, икки йилдан ошди.

Ушбу фармойиш асосида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курси» ўқув қўлланмаси ва проекцион схемалар яратилди. Қисқа вақт мобайнида бир қанча дидактик материаллар, Асосий қонунимизга оид расм ва плакатлар чоп этилди. Курс ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида алоҳида ўқув предмети сифатида дарс жадвалига киритилиб, ўқутилмоқда.

Қисқа фурсат ичида тайёрланиб, чоп этилган ушбу ўқув қўлланмаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ходимларининг меҳнати самараси сифатида 2001 йилда дунё юзини кўрди. Қўлланма илк мартаба нашрга тайёрлангани боис, унда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Бевосита иш фаолиятим билан боғлиқлиги учун Ўзбекистон Конституциясига тез-тез муносабат қилиб тураман. Дарсининг ташкилий қисмида эса, ўқувчиларнинг машғулота тайёргарлиги-ю, уларнинг қўлида Асосий қонунимиз бор-йўқлигини назорат қиламан.

Матн устида ишлаш жараёнида қўлланмада айрим жўзий хатолар борлиги аниқланса, уларни тўғрилаб ўқишга ҳаракат қиламиз. Масалан, китобнинг 183-бетда «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун 2001 йил 11 майда қабул қилинган деб ёзиб қўйилган. Ўқувчи ўз қўлидаги дарсликка ишонади. Уни тўғри деб билади.

Кейинги йилларда «Халқ сўзи» газетаси хайрли ишга қўл уриб, биз муаллимларни ҳўшнуд этаяпти. Қабул қилинаётган қонуналарнинг матнини китобча шаклида қирқиб олишга мўлжаллаб, тайёр андозаларни бериб келмоқда. Газетада берилган «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун 2001 йил 29 августда қабул қилинганлиги қайд этилган.

(Давоми 3-бетда)

Чоршанбадан Чоршанбагача

2 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президенти «2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, степендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Олий Мажлисида «Мониторинг прав человека» («Инсон ҳуқуқлари мониторинги») китобининг тақдими бўлди. Ушбу тўплам парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН), Конрад Аденауэр жағнамасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалардо тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамкорлигида чоп этилган.

4 апрель

Тошкентда мамлакатимизга Америкадан ишлагача келган 48 нафар кўнгилининг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир АКШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси, республика Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилотчилигида ўтказилди.

TANISHUV

ТАРИХИМИЗДАН СЎЗЛАЙДИ

Ҳар бир халқ ўз ўтмиши, тарихига эга. Ҳозирги давргача етиб келган, баъзида шонли, баъзида ғуссалари ўша тарихимизни келажак авлодларга ҳолисона ёритишда турли воситалар, жумладан, кўп асрлик тарихий обидалар, ёзма адабиётлар катта рол ўйнайди. Бу борада музейларнинг аҳамияти ҳам гоёят улкан.

31 март куни пойтахтимизда ана шундай музейлардан бири қайтадан иш бошлади. Ўзбекистон тарихи музейи очилганга бир ҳафтадан ошибдики, бу ерга келувчилар сонни қайтамапти. 3 апрель куни музей маъмурияти меҳмонларнинг катта бир гуруҳини қарши олишди. Бу гал музейни қўришга Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ходимлари ва бу ерда малака ошираётган прокуратура ходимлари келишди.

Меҳмонлар билан ёнма-ён ичкарига кириб борар эканмиз, кенг ва ёруғ залда бизни музейшўнос Феруза Расулова қарши олди ва бизга маъмур даргоҳ ҳақида қисқача маълумот бергач, ҳаммани юқорига — экспонатлар жой-

лашган бўлмаларга тақлиф қилди. У кишининг айтишига қараганда, музейда 200 мингдан ортиқ экспонат жамланган бўлиб, Ватанимизнинг энг қадимги тарихидан ҳозирги кўнгилагача бўлган вақтни қамраб олар экан. Шундай қилиб, зинапоялардан юқорига кўтариларканмиз, зинанинг икки тарафидаги тўртта устун ҳамманинг эътиборини тортиди. Буни қарангки, худди пештоқни кўтариб тургандек қўриган бу устунлар халқимизнинг ёғоч ўймакорлиги санъатини ўзида мўжассамлаштирган бир-бирига ўхшамас тўртта экспонат экан. Улар томошабинларда ажодларимизга нисбатан фохр ва ифтихор туйғусини уйғотди. Музей экспонатлари ўзига хос тарзда даврлаштириб чиқилган.

(Давоми 2-бетда)

ТАРИХИМИЗДАН СЎЗЛАЙДИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)

Меҳмонлар ҳам «тарихга сабаҳат»ни дастлаб энг қадимги даврдан бошлашди. Экспонатларни бирма-бир кўриб боришар экан, айримлари олдида узок вақт тўхтаб қолиб, бир-иккита бўлиб мулоҳаза юритишар, жуда бўлмаса Феруза опадан изоҳ сўрашар эди. Уларнинг ҳар бир даврга алоҳида тўхталиши, давр кашфиётлари ҳақида сўраб-суриштириши Ватанимиз тарихига нечоғлик қизиқишини кўрсатиб турарди.

Дунё-дунё бўлибдики, ривожланиш давом этаверади, одамларнинг турмуш тарзи такомиллаша боради. Бу — ҳаёт қонуни. Прокуратура ходимлари бу қонуний қанчалик ҳаққонийлигига музей муҳитида яна бир бор амин бўлдилар. Қадимги тош даври — полеволитда оддий тош қуроллар бўлган бўлса, мезолитда одамлар ўқ-ёйни кашф қилишди, неолитда эса ҳунармандчиликни ўзлаштиришди.



Суратда: ўқув маркази ходимлари ва марказ тингловчилари музей экспонатлари билан танишмоқдалар.

Шу йўсинда мис, бронза, илк феодак давлатлар даври, араблар фатҳи ва ундан кейинги бир қанча йирик давлатлар, мўғул босқини, Теурийлар даври, тарқоқ хонликлар даври, рус истилоси ва ниҳоят ҳозирги Ўзбекистон давлатига оид ҳар бир экспонат прокуратура ходимлари эътиборидан четда қолмади. Узим ҳаёнда бўлганлигим бос, уларнинг кўнглида қачаётган ҳиссиётлар билан қизиқдим.

Шўҳрат АБДАЛНИЁЗОВ, Хонқа тумани прокурори:
— Хонқа тумани прокуратураси ҳузурида гиёҳвандликка қарши ёшлар клубини ташкил қилганимиз. Яқин кунларда клуб ёшларини пойтахтимизнинг хушманзара жойларига, «Бунёқдор ёшлар» телеклубига олиб келишни режалаштирган эдик. Ҳозир шунга амин бўлдимки, уларни биринчи навбатда шу ерга — мезеяга олиб келиш керак экан. Қаранг, экспонатларнинг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси. Бу ерга мактаб ўқувчиларини, ёшларни кўпроқ жалб қилиш керак. Негаки, улар дарсликларда ўрганганидан мавзуларга бу ердagi таассуротлари қўшимча бўлади. Минг марта зийнатдан бир марта кўрган маъқул деб бекорга айтишмайди.

Матлуба АМИНЖОНОВА, ўқув маркази илмий ходими:
— Сурхондарё вилоятининг Сополитела харобаларидан топилган деталлар менда катта қизиқиш уйғотди. Кейин «Авесто»га оид, зардўштийликка оид топилмалар жуда ажойиб. Мен аввал ҳам бу ҳақда зийнатдим. Лекин вафот этган кишининг жасади тепалик устига қўйилиши, уни ҳайвондан еб кетгач, сўякларни йиғилиб оstdонларга жамлаб қўйилиши ва ўша оstdонлардан бу ерда ўз кўзим билан кўришим менда катта таассурот уйғотди. Бу ерга келган киши ҳеч нарса йўқотмайди, балки бир дунё маънавий озуқа олади. Насиб этса, фарзандларимни ҳам олиб келишни режалаштириб қўйдим.

Ғулможон НАЗАРОВ, марказ илмий кенгаши котиби:
— Ҳозирги музей аввалгисидан тубдан фарқ қилди. Экспонатлар билан янада бойитилган. Менга араб фатҳидан кейин ташкил топган хонликлар даври, хусусан, сомонийлар даврига мансуб экспонатлар жуда ёқди. Ўша пайтда зарб қилинган турли танга-пуллар, қурол-яроғлар жуда яхши сақланган. Мени яна бир экспонат ҳайратга солди. Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси ҳақида кўп зийнатдим. Бу ерда унинг макети сақланар экан. Ҳозир ўша мақбаранинг 25 хил усулдаги пишган гиштдан ноёб меъморчилик услубида қурилганини, кунга ҳар хил рангга кириб товланишини зийнатди, Бухорога бориб мақбарани ўзини кўришни режалаштириб қўйдим. Шунингдек, теурийларга оид экспонатлар, Мухаммад Раҳимхон II — Феруз қаламига мансуб Алишар Самарқанд ипак қоғози яхши таассурот қолдирди.

Музей деворига ёш рассом Алишер Алиқулов чизган бир нечта рангли паннолар меҳмонларга жуда ёқди.

Шу ўринда музейга қачон асос солингани билан қизиқдик.
— Музейнинг тамал тоши 1876 йилда қўйилган. Ўша пайтда Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази эди, — дея жавоб берди Феруза опа.

— Музейни ташкил қилишдан уларнинг бирон мақсади бўлганми?
— Бўлмасам-чи. Уларнинг асосий мақсади халқимиздан қадимги маданий бойликлар, зеб-зийнатларни йиғиб, Россияга олиб кетиш бўлган. Лекин шундай бўлса-да, халқимиз ўз тарихи дурдоналарини келажак авлодларга яхши етказса олди. Буни экспонатлардан ҳам билса бўлади. Тошкент музейи (1876 й.) номи билан ташкил этилган музей даврлар ўтиши билан кўп марта номи ўзгартирилиб, 1992 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи музейи номи билан қайта ташкил этилди. 1999 йилдаги февраль воқеаларидан жиддий зарар қўрган, вақтинча ёпилган эди. Мана энди жиддий таъмирдан кейин бир қанча экспонатлар билан бойитилган ҳолда яна фаолиятини бошлади.

— Янги экспонатлар нималардан иборат?
— Яқинда Тошкент вилоятидан топилган XV асрга оид жангчиларнинг темир кийими, Самарқанд вилоятининг Челек туманидан топилган тилла тақинчоқлар, давлат арбоби Шароф Рашидов ҳаётига оид сурат ва ҳужжатлар, жадидлар ҳақидаги сурат ва лавҳалар шулар жумласидандир.

Феруза Расулова билан суҳбатимиз бўзиб турган бир пайтда музейга яна бир гуруҳ мактаб ўқувчилари ташриф буюришди. Суҳбатимизни яқунлар эканми, халқимизнинг ўз тарихига безиғиб эмаслиги бизни жуда қувонтирди. Бу бизнинг тарихимиз. Аҳдоқларимиз босиб ўтган ўша суронли йўллар ҳаммамизга сабоқ бўлиб, келажакка шаҳдам қадам қўйиш барчамизга насиб этсин.

Ғозил МАМАШАРИПОВ, «HUQUQ» муҳбири

(Давоми. Бошланishi 1-бетда)
1969 йили Самарқанд ва Тошкентда бўлиб ўтган теурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро конференция жаҳон аҳлининг Амир Теурига бўлган ёрқин ҳурматидан далолатлар. Унда ўнлаб хоржий давлатларнинг теурушunos олимлари қатнашдилар.

Шунингдек, 1996 йили соҳибқирон таваллудининг 660 йиллик тўйи фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун дунёда кенг миқёсда нишонланганлиги бежиз эмас, албатта. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Теурийлар ренессанси» кўргазмаси тантанаван билан очилди. Ушбу тадбирга ба-

ўрганишга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай қизиқишларни инобатга олган Л.Керен ва Ф.Брессандрларнинг фаолияти тўғрисида Парижда махсус «Теурийлар» номли журнал чоп этилмоқда.

Соҳибқирон Амир Теурига ҳар қанча алқасак ҳам кам. Чунки унинг жаҳон халқлари тарихи ва цивилизациясига қўшган ҳиссаси гоят улғурди.

Амир Теури Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Афғонистон халқларини, жумладан Россияни мўғуллардан озод қилиб, ўзaro низолаарга чек қўйди, марказлашган давлат барпо этди, ўз даври учун давлат бошқарувининг тараққийпарвар аънавалари бўлган даргоҳ ва

НОМИ ДОСТОН СОҲИБҚИРОН

ғишланган илмий анжуманда жаҳоннинг таниқли теурушunos олимлари қаторида республикамиздан борган бир қатор олимлар (А.Пугаченкова, Н.Ҳабибуллаев, Э.Ртвеладзе, А.Аҳмедов каби) ҳам ўз маърузалар чиқишлар қилдилар. Тошкентда шу йили 23-26 октябрь кунлари ўтказилган «Амир Теури ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро анжуманда ҳам ўнлаб хоржий давлатларнинг олимлари иштирок этдилар.

«Туркистондан чиққан бирорта ҳам тарихий шахс хоржий давлатлар эътиборини ханузгача Амир Теурига ўзига тортмаган. Соҳибқироннинг Самарқанддаги саройида бўлган (1403-1406 йиллар) Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихоннинг эсдаликларини ўқир эканман, Туркистоннинг XIV асрдаги маданиятини — меъморчилик обидалари, шеврияту нафосатини, ушбу маданиятга жаҳонгир Амир Теурининг таъсири ва ҳоказоларни кашф этдим», — деган эди ўз нутқида ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор.


Ҳозирги кунда Амир Теури тарихини

демон бошқарув тизимини қайта тиклади. Аслрлар давомида маъжуд бўлган аънаваларни ривожлантирди, Мовароуннаҳр номини дунёга танитди, Буюк ипак йўлини тиклади, Теурийлар ренессансига асос солди.

Амир Теури Европа халқларини Йилдирим Боязид таҳдидидан сақлаб қолди. Улар ўз халоскорларини табриқлаб, совға-саломлар билан элчилар йўллашди. Ҳатто Парижда Амир Теури хайкали ўрнатилиб, унинг пойига «Европанинг халоскори» деган сўзлар ёзилган. Ҳато унинг олтин хайкали яратилиб, 1902 йили Францияда кўргазмада намойиш этилган.

Амир Теури эришган муваффақиятлар ва давлатчилигимиздаги тараққиёт даражасини унинг ўғил ва набиралари давом эттириб, авлодларга йўллашди. Ҳатто Парижда Амир Теури хайкали ўрнатилиб, унинг пойига «Европанинг халоскори» деган сўзлар ёзилган. Ҳато унинг олтин хайкали яратилиб, 1902 йили Францияда кўргазмада намойиш этилган.

Амир Теури эришган муваффақиятлар ва давлатчилигимиздаги тараққиёт даражасини унинг ўғил ва набиралари давом эттириб, авлодларга йўллашди. Ҳатто Парижда Амир Теури хайкали ўрнатилиб, унинг пойига «Европанинг халоскори» деган сўзлар ёзилган. Ҳато унинг олтин хайкали яратилиб, 1902 йили Францияда кўргазмада намойиш этилган.



TADBIR

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини такомиллаштириш мақсадида амалдаги қонуларимизга қатор ўзгаришлар киритилмоқда. Инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига асосланган бу ўзгаришларни кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Бухоро вилоят ҳокимлигида шу мавзуда ўтган конференцияни Ўзбекистон Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, ИИБ, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жағмармаси ҳамда Уш ҳанқорликда ташкил этилди. Президентимизнинг 2002 йил 30 сентябрдаги фармойиши билан маъқулланган дастурга мувофиқ уюштирилган минтақавий илмий-амалий конференцияда Бухоро ва Навоий вилоятларида яшаб, ижод қилаётган журналистлар қатнашдилар.

Суд-ҳуқуқ органлари билан ОАВ ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, тизимда амалга оширилаётган ислохотларни аҳолига зудлик билан етказишнинг самарали усуллари ҳақидаги маърузалар ашитилди. Тадбирда аён бўлдики, журналист кадрлар етарли бўлса-да, соҳаларга ихтисослаштирилган масаласи ҳамон очиклигича қолмоқда. Яна бир муаммо шундан иборатки, ҳуқуқий мавзуда ёзаётган журналистларнинг қонун ва меърий ҳужжатларни яхши билмаслиги оқибатида айрим материалларда фактлар қалқалиши, ноҳили ёндашувлар учрамоқда. Анжуманда таъкидланганидек, ОАВ ходимларининг суд-ҳуқуқ соҳасига ихтисослаштириш бу муаммо ечимига хизмат қилади.

А.САМАДОВ, «HUQUQ» муҳбири

нинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарига улар томонидан ёзилган самимий дил изҳорларини кўрсатиш мумкин.

Музей қундан-қунга жаҳон узра машҳур бўлиб бормоқда, фондларидаги ашёлар сони ортмоқда. Унинг илмий жамоаси музей фонди ва экспозицияларини бойитиш мақсадида «Теурийлар даври ренессанси», «Шоҳруҳия қалъа-шаҳри — Амир Теури ва теурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» мавзуларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда, рисола ва мақолалар чоп этилмоқда.

Музей турли байрам ва саналарни нишонлаш мақсадида ҳар йили ўндан ортик тадбирлар, давра суҳбатлари, анжуманлар ўтказиб келмоқда. Бу йил ҳам Амир Теури таваллудининг 667 йиллиги муносабати билан навбатдаги тадбирини 9 апрелда ўтказиш режалаштирилган. Шу кунга Амир Теури хайкали пойига гулчамбар қўйилади. «Шоҳруҳиядаги топилмалар», «Мафтунок санъат» номли кўргазмалар намойиш этилиб, музей заллари бўйлаб сабаҳат уюштирилади, «Амир Теури сабоқлари» номли илмий анжуман ўтказилади.

Соҳибқирон хотираси учун ҳар қанча иш қилсак арзийди. Сабаби Амир Теури буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. Ўз давлатини мўғул истилочилари зулмидан озод этган, уни сиёсий, иқтисодий, илмий-маданий марказга айлантирган, халқ фаровонлиги, маданият ва санъатнинг равнақи йўлида беқийс меҳнат қилган шахсни ким ҳам ардоқламайди дейсиз.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Теурийлар тарихи давлат музейининг директори. Ўткир АЛИМОВ, директор муовини

УМУМИЙ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Андижон вилояти ҳокимлигида «Суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларни аҳолига етказишда ОАВнинг роли: муаммо ва мулоҳаза» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда ушбу мавзуда ёзувчи Фаргона, Наманган, Андижон вилоятлари журналистлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Конституциявий суди судьяси С.Ҳақимова, Олий суд судьяси М.Ғанижонов, ИИБ тергов бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари М.Қаримов, Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлигининг ўринбосари О.Аҳмаджонов, Олий ҳўжалик суди бўлим бошлиғи М.Исомонов аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш, жамоатчиликка суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳиятини етказиш, қонунийликни таъминлаш борасида журналистларнинг самарали ишлаётганини қайд этиш билан бирга, ҳуқуқий мавзудаги айрим мақола, кўрсатув ва зийнатилардаги ҳатолар, бир ёқлама ёндашувлар, нотўғри талқинларни мисол келтириб, танқидий таҳлил қилдилар. Семинарда Конституциявий суд, жиноят ва фуқаролик ишларини кўрадиган суд тизимлари, ҳўжалик судлари, прокуратура органлари, ИИБ идоралари иш фаолияти юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Сўзга чиққан журналистлар суд-ҳуқуқ тизими идораларидан ахборот олишдаги муаммолар, қонуларни шарҳлаш, аҳолига тушунарли тарзда баён этишнинг аҳамияти хусусида мулоҳазаларни оммага етказишда суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларини оммага етказишда ҳуқуқшунос билан журналистлар ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш зарур деган тўхтама қелинди.

И.ИБРОҲИМОВ, «HUQUQ» муҳбири

BIR SHIKOYAT IZIDAN

бу ҳукми қанчалик одилона бўлмасин, барибир ноҳақлик нишониси сифатида қолаверади. Азиз муштарий, бизнинг ана шундай кескин хулосага келишимизга, қолаверса, кўпгина юқори идораларга кетма-кет шикоятлар йўлланишига сабаб бўлган бир ҳолат тафсилотларини эътиборингизга тахирисиз ҳавола этишни лозим топдик.

«Хурматли Бош муҳаррир!

Бир ноҳақлик тудайли кўлимга қалам олиб, сизлардан адолат кутиб турибман. Қатор йиллардан буён Каттакўрган тумани ноғиронлар жамияти раиси вазифасида ишлаб келаман. Ўтган йили баҳорда ишга лаёқатли ноғиронларга иш ўринлари яратиш — тикув цехи очиб мақсадида давлатдан имтиёзли кредит олмакчи бўлиб, «Савдогар» акционерлик тижорат банкининг Пайшанба бўлимига катнаб юрдим. Бир кун бўлим биносидан яқин дўстининг укаси Шерзод Эргашевни учратиб қолдим. Юмушимни ашитгач, у: «Кўп қийналибсиз, ака, мана мен ўзим сизга бу ишни ҳал қилиб бераман», — деб қолди. Шерзод ёш бўлса ҳам гаплари тетик, ишонарли, кўлида уяли телефон, сипо кийинган эди.

У секин-секин менинг ишончимга кириб, бир неча бор ҳовлимга бориб, атиги бир ой ичида 10 млн. сўм кредит олиб беришни ваъда қилди. Шубҳа қилмаслигим учун мени таксида Самарқанд шаҳридаги мартабали таниши Мансур Ербековнинг хузурига олиб борди. М.Ербеков Шерзод билан вилоят меҳнат ва бандлик бошқармаси биносига кириб чиқшгач, «ҳаммаси ҳал, энди миллионлар кўлимда деяринг!» деб мени тинчлантирди. Мен тегишли ҳужжатларни ҳозирлаб банкка топширдим. «Хожатбарор йигит» шунда ёнимга келиб, олинажак 10 млн. сўмлик кредит учун олдиндан 1 млн. сўм устама берилиши лозимлигини, Мансур шу пуллари сўраётганини айтди. Нолож «кредитдан қопларимиз» деган илинж билан яқинлар ва танишлардан катта миқдорда қарз кўтариб, айтилган пулни азоб билан йигитиб, Шерзодбекка ушлатдим. У бирор ой қорасини кўрсатмай кетгач, яна уйимга келиб, ваҳима қилди: «Кафолат хати ҳал бўлмаяпти. Шунга яна пул керак»... Орадан вақт ўтказиб, яна келди. «Агар пул топиб бермасангиз, барча берганларингиз қуйиб кетиши мумкин»

PROKUROR MINBARI

Болани ниҳолга қиёслашди. Унинг келгусида ким бўлиши ёшлигида олган тарбиясига боғлиқ. Яхши ҳулқ билан камол топган фарзанд ота-она, маҳаллақуй ва жамиятнинг фаҳрига айланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зеро, эртанги келажагимиз тақдирини мана шу ўғил-қизлар белгилайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан кўзда тутилган мақсад ҳам шу. Мазкур ҳужжат ижросини Норин туманида ҳам изчил йўлга қўйиш мақсадида туман прокуратураси назоратни кучайтириб бормоқда.

Кимки икки томонни обдон тингламай туриб ҳукм чиқарса, бу ҳукми қанчалик одилона бўлмасин, барибир ноҳақлик нишониси сифатида қолаверади. Азиз муштарий, бизнинг ана шундай кескин хулосага келишимизга, қолаверса, кўпгина юқори идораларга кетма-кет шикоятлар йўлланишига сабаб бўлган бир ҳолат тафсилотларини эътиборингизга тахирисиз ҳавола этишни лозим топдик.

"МЕН ЖИННИ ЭМАСМАН"

ЁХУД НОҲАҚ ЧИҚАРИЛГАН БИР СУД АЖРИМИНИНГ ТУРФА ЖАФОЛАРИ ХУСУСИДА

деб кўрқитди. Бу гал унинг ўзи билан уйма-уй юриб қарз-ҳавола тўплади. Шундай қилиб, Ш.Эргашев жами 1.850.000 сўм пулни фибриб-гарлик, яъни алдов ва ишончимни суистеъмол қилиш йўли билан олиб, ўзлаштириб юборди.

Шу-шу, Шерзодни қайтиб топа олмадим. Ҳақиқий «томоша» эса муддатли қарз берган кишилар пуллари сўраб кела бошлаганларидан кейин юз берди. Дағдага, сўқинишларни кўтаролмай онам ҳам тўшақда ётиб қолди. Бошим қотиб қолгач, охири товламачи йигит устидан ҳуқуқ-тартибот идораларига шикоят қилдим.

Гарчи ўзи тўлиқ иқрор бўлмаган бўлса-да, Ш.Эргашевнинг гайриқонуний ҳаракатлари олиб борилган дастлабки тергов жараёнида гувоҳлар ва етарли далиллар билан ўз исботини топди.

Яна бир гап. Жиноят ишлари бўйича Каттакўрган шаҳар суди судьяси Р.Давронов раислигида кўрила бошлаган иш тахлили чоғида судланувчи Ш.Эргашевнинг акаси, туман давлат солиқ инспекцияси юристи Шухрат Эргашев иш кабинетига қақриб олиб, «Эртага кел, укам олган пулланинг 1 млн. сўмини келтириб бераман. Қолгани ҳам секин-аста узамиз», деди. Мен ҳам, пулни қайтариб берса, давво қилмайман, дедим. Бирок, эртаси кун пулдан оғиз очмади.

Қизиғи шундаки, айнан шу да-

қиқалардан бошлаб суд ишига раислик қилувчи Р.Давроновда ҳам ҳолислик ўз-ўзидан йўқолиб қолди. Асосий гувоҳларни эшитиб кўрмасдан, ҳеч бир асоссиз, иш ҳолати бўйича лозим бўлмаса-да, қўшимча гувоҳ сифатида руҳий эксперт И.Тошмуродовни ўз машинасида бошлаб келиб, судни тўлиқ бўлмаган таркибда давом эттирди.

Хурматли муҳаррир! Судьянинг бир томонлама олиб борган ҳаракатларидан кўриниб турибдики, у

мени мажбуран Самарқанд руҳий соғломлаштириш шифохонасига ётқизиб, шу йўл билан суд олдидаги асосий мақсадни чалғитмоқчи. Ахир, мен жинни эмасман! Идрок ва хотирамдан ҳали бирор марта шикоят қилмаганман. Суд судланувчи томонга очикдан-очик ён босиб, қандай бўлмасин менинг иродамини синдиarmoқчи. Ҳатто шифохонада ҳам тинч ётишимга ишонмай қолдим. Менга ёрдам беринг».

Бирор хулосага келиш ёки тақлиб билдириш фикрдан йироқми. Фақат қайсидир жиҳати билан охирига етказилмаган тегишли суд ажримда дастлабки тергов ҳаракатлари мавқеи унутилгандай.

Ахримдан: «...судланувчи Эргашев Шерзод Турсуновичнинг жиноят иши юзасидан жабрланувчи Мустафоқулов Бахтиёрга нисбатан стационар тартибда суд руҳий комиссия экспертзаси тайинлансин»...

Ана ҳолос, судга жабрланувчи Б.Мустафоқулов ҳақида вилоят ноғиронлар жамияти раиси Ш.Раҳимовнинг 2002 йил 7 ноябрдаги 586-маълумотномаси, шунинг-дек, Каттакўрган туман ҳокимлигининг ижобий тафсириномаси тақдим қилинган-ку. Бу жабрланувчининг муомалага лаёқатли эканлигига наҳотки шубҳа уйғотса?

Каттакўрган туман марказий поликлиникасининг руҳий касалликлар ва У.Ҳасановнинг тушунтириш хатидан:

камлаш мақсадга мувофиқдир. Ўғил-қизлар онгида ўзига ишонч, фидойилик, ватанпарварлик туйғуларини чуқур илдиз отишига эришмоқ керакки, бу уларнинг камолотида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳукуматнинг юқорида тилга олинган қарори тиббиёт муассасаларига ҳам бир қатор вазифалар юклайди. Шундан келиб чиқиб туман ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бўлимида муайян режа-дастурлар ишлаб чиқилган, оналар ва бола-

«Фўқаро Б.Мустафоқуловнинг доимий вақти сифатида фақат ҳақ гапни айтмоқчиман. Бемор касали хуруж қилмаган пайтларда ҳечам беэиён. Барча савол-жавоб ва муомалага лаёқатли. Судда ҳам мен ўз фикримни айтганман. Беморни стационар шароитда экспертизадан ўтказиш ҳақида маслаҳат берганим йўқ. Чунки ҳозир беморнинг соғлиғи яхши, хуружлар ўта қамайган».


Ноҳақликни кўра туриб уни жазоламаслик унинг содир бўлишига йўл очиб бериш билан баробар. Кимки айбдорни

Биргина ноҳақ ҳукм айрим шахслар қилган кўпгина жиноятлардан кўра оғирроқ кулфат келтиради; айрим шахслар фақат ирмоқларини, фақат унда-бунда учрайдиган жилгаларни булғатса, ноҳақ судья обиҳаёт бўлогини булғайди.

Ф.БЭКОН

йил 13 февралдаги судланувчи Ш.Эргашевни айблаш, жабрланувчи Б.Мустафоқуловга нисбатан стационар тартибда суд руҳий комиссия экспертзаси тайинлаш ҳақидаги ажримини иш бўйича тўпланган далилларни тахлил қилмасдан, шоша-шошарлик билан, асоссиз чиқарилган деб топди ва бекор қилди. Жиноят иши суд мажлисида мазмунан кўриб чиқиш учун яна жиноят ишлари бўйича Каттакўрган шаҳар судига юборилган. Ишни яна судья Р.Давронов кўриб чиқди. Ҳарқалай ёш судья бу гал адолат — мустақил давлатимизнинг пойдевори эканлигини ёдда тутди деган умиддамиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«HUUQUQ» муҳбири



Тор манзараси

ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки фўқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, ҳокимлик ва кенг жамоатчилик олдида кўплаб вазифалар турибди. Энг аввал ёшлар ичига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг ўй-фикрларини, муаммоларини ўрганиш, ўқш ва дам олишини намунали ташкил этиш, жамоат ишларига кенг жалб қилиш, миллий мафкурамизга ёт усурлардан химоялаш, тўғри йўлни танлаб олишига кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш шулар жумласидан. Оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини янада мустаҳ-

ларнинг касалланиши ҳамда улар ўлимининг олдини олишга қаратилган экспертлар гуруҳи жойларда турли тахлиллар ўтказмоқда. Қувончлиси, 2002 йил мобайнида туманда оналар ўлими учрамади. Булар ўлими эса бултургидек, харминг нафар қақалоққа нисбатан 14,2 фоизга тўғри келди. Бирок, бу рақам туман маркази Ҳаққулобдада 17,8 фоизга, айрим қишлоқларда эса 22,5 фоизга етди. Ўтган йили туман бўйича 14 ёшгача бўлган 41.828 боладан 30.576 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларда турли касаллик аломатлари аниқ-

ланган. 169 нафари диспансер ҳисобига олинди, қирққа яқин бола «Беш-капа» санаториясига даволаниш учун жўнатилди. Умуман, соғлиқни сақлаш бўлими томонидан вояга етмаганларга тиббий хизмат кўрсатиш ишларига 35 млн. сўмдан ортқ маблағ сарфланди.

Тумандаги 44 та умумтаълим мактабида 2450 нафар педагог 28,5 мингдан зиёд ўқувчига сабоқ беради. Билим ва тарбия масканларидаги шароитларни яхшилаш ниятида ўтган йили мактаблар ва болалар боғчаларида кенг миқёсда таъмирлаш ўтказилди. Масалан, Тошқин қишлоғидаги 34-мактабда 19 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бевоқифа туман прокуратурасининг кўмаги билан 7-мактаб таъмири учун 11 млн. сўм

маблағ ажратилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли аниқ фанлар ва инглиз тилига ихтисослашган мактаб-интернат кўлаб хайрли ишларнинг ташаббускори саналади. Бу ерда очилган «Манавият ва маърифат», «Гийёҳвандликка қарши кураш» ва «Ҳуқуқ» хоналари рангбаранг мавзудаги учрашув-мулоқотлар маскани бўлиб қолган.

Бундай ибратли мисолларни тумандаги бошқа мактаб, коллежлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Лекин ютуқлар ўзимизники, улар билан қаноатланиб қолмай, янада гайрат-шижоат, кунт ва фидойилик билан ишлаш, изланиш зарур. Шундай экан, прокуратура ходимлари ҳам бу борадаги назоратни асло сўсайтирмайдилар.

Шокиржон МИРЗАЕВ,
Норин тумани прокурори

MULOHAZA

Киши ҳаётидаги энг шодон маросим — тўй ташвиши ширин ташвиш. Шунинг учун, топган-тутганинг тўйга кетсин, дегувчиларни доим қувватлаб келганмиз. Бироқ ҳозир биз улар билан баҳс юритмоқчимиз. Зотан, ҳақиқатни топишинг энг мақбул йўли ҳам шу. Масаланнинг иккинчи томони шундаки, ортикча сарф-харажатларга йўл қўймасак, ҳаётимиз фаровон, маҳалла-қишлоқларимиз обод бўлади.

Тан олиб айтиш керак, мамлакатимизда кейинги йилларда никоҳ, суннат ва бешик тўйлари, биби сешанба, ақиқа ва бошқа маросимларни дабдабали, серчиқим ўтказишдек номақбул хатти-харажатлар авж олди. Бу иллат бутун жамият ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Агар шундай бўлмаганда, Президентимиз қўйидаги сўзларни куйинчақлик билан гапирмаган бўларди: «**Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдабаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг хисобидан кун қўриб, сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очиқ айтишимиз керак... Чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини қақсак, бу ортикча дахмалазар анадларимиз елкасига машаққатли бир юк, онамқор айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.**»

Бугунги тўйлар ҳақида гапириб, биз асло тўй қилмаслик керак, демоқчи эмасмиз. Фа-

энсанг қотади. Маълумотларга кўра, Бухорода бу либос 50 мингдан 100 минг сўмгача пул тўлаб олинаркан. Энг арзони — 30 минг сўм. Уни аксарият қизлар хохламас эмиш. Шу ўринда оддий ҳисоб-китоб. Агар келин-куёв қишлоқда яшаса, қўйлақнинг пулига 2 бош қўй ёки каттагина бузоқ олиб, бир йил ўтгач, уларни сотиб, рўзғорни бутлаши мумкин. Шаҳарлик келин-куёв 100 минг сўмга анчагина уй жиҳози ёки ошона анжони сотиб олса, қанчалик яхши бўларди.

Яна бир тақдир. Нега энди ўзбек қизлари ўз ҳаётидаги унутилмас дамларда, албатта, европача қўйлақ кийиши керак? Ўзбекиона маросим деймиз, тўйларимиз миллий урф-одатларимиздан, дея мақтанамиз-у, келинчақ либосига эътибор бермаймиз. Хорижа тақдир қилишини нима кераги бор, агар у биз учун ҳеч бир фойдали бўлмаса? Қайси европалик қиз никоҳ оқшомиде атлас қўйлақ кийганини кўргансиз. Тан олинг, кўрмагансиз. Чунки, улар кўп-кўрона тақдир қилишмайди. Ижарага олинадиган қўйлақ ўрнига бежирим, ял-ял товланувчи ат-

HAR KIMKI JAFQ QILSA...

ҚАДР

Инсон ҳаётда обрўни мисқоллаб йиғади. Лекин мисқоллаб йиғилган обрў бир кунда йўққа чиқиши ҳам мумкин. Ҳаётдаги биргина ноҳўя қадам инсонни бир умрга эл олдида бадном қилиши мукаррар.

Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси инспектори Бахтиёр Сариковнинг аччиқ тақдири сўзимизнинг исботи бўла олади. Нафс уни ҳам суднинг қора курсисига етаклади. Жамоасида унинг ўзига яраша обрўси бор эди. Кимсан Бахтиёр Саидолимович! Энди эса...

Бахтиёр туман ДСИга ишга кирганидан сўнг юриш-туриши ўзгарди. Боиси, чўнтаги бироз қаппайиб қолди. «Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, амал бериб кўр», — деган нақл тўғри экан.

Айниқас хизмат юзасидан «Қўйлик» деҳқон бозорига борганида унга эгилиб салом берувчиларни қўриб, ўзини яна бошқачароқ тутадиган бўлди. Бозор тўғри ҳам, эгри ҳам ўз насибасини териб ейдиган жой. Қўли эгри илбосотарлар Бахтиёрни кўрган заҳоти қуллқ қилиб салом беради. Бозорда кимки измига бўйсунмаса, Бахтиёр уни бозор ичида жойлашган туман ДСИ таянч бўлимига олиб келиб «тузларди». Узи хон, қўланқаси майдон. Бу гал унинг чангалига И.Зиёхиддинов тушиб қолди. У ҳам тиркичилик дардида 820 кг. саримсоқ пиёзни бир аёлдан сотиб олиб, устига 4-5 сўм қўйиб сотмоқчи эди. Ўша куни чап томони билан турган эканми, иши тескарига айланди. Бозорда солиқчи Бахтиёр Сариковга дуч келиб қолди.

— Саримсоқ пиёзни қаердан олдинг? — сўради солиқчи.
— Ўзимники.
— Ҳужжатини кўрсат.
— Тўғриси, маҳсулотни бир аёлдан сотиб олгандим. Ҳужжатини сўраганим йўқ. Лекин ўғирлик мол эмас. Агар ўша аёлни топсам, молнинг ҳужжатини олиб келиб, сизга кўрсатаман.
— Эртагинини уйингдагиларга айт. Маҳсулотингн олиб келиб. Бозорда ҳужжатсиз маҳсулотларни сотиш мумкин эмаслигини яхши биласан. Ким билади, балки бу ўғирлик молдир?
И.Зиёхиддинов солиқчига яна ялина бошлади.

— Жон ака, илтимос, саримсоқ пиёзимни қайтариб беринг. Маҳсулот учун пулни бировдан фоизга олган эдим. Сотиб, пулни бермасам, қулгоғимга қарзга ботаман.
Бахтиёр И.Зиёхиддиновнинг гапларига қулқ солмади. 820 кило саримсоқ пиёзни «Қўйлик» бозорининг маҳсулот сақланадиган 2-омборхонасига келтириб қўйди.
2002 йилнинг 7 август куни И.Зиёхиддинов Бахтиёрнинг ёнига яна келди.

— Ака, маҳсулотимни қайтариб бермасангиз, мен бир-икки кундан сўнг қуйиб қоламан. Бозорда саримсоқнинг нархи тушиб кетапти.
— Кечга яқин пиёзингн олиб кетасан. Фақат 200 «кўк»идан берасан. Мен ҳам бозорда пашша қўриб юрганам йўқ. Тушунарлими?
И.Зиёхиддинов олдинга индай олмади. Сўнг солиқчининг шартига рози бўлди.
У Бахтиёрнинг хонасидан чиқиб, Тошкент шаҳар ИИББга бориб солиқчи Бахтиёр Сариковнинг таъмагирик қилаётгани ҳақида ариза ёзди. Таъмагир эса 50 минг сўм ва 100 АҚШ долларини ўз хизмат хонасида олаётганида «қоқкон» га тушди.
Мақоламизни инсон қадри, обрўси ҳақидаги сўзлар билан бошлаган эдик. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг мол-дунёси билан ўлчанмайди. Боилки ва амалнинг бевафолиги ҳақида улуғларнинг пурҳикмат гаплари бор. Бу насихатни олмаганларнинг ҳолига вой...

Ўқтан САИДОВ,
Бектемир тумани
прокурорининг ёрдамчиси

ПУЛИНГИЗ БЎЛСА, ТЎЙГА БОРИНГ

қатгина ҳар ишда меъёр бўлса яхшилигини таъкидламоқчимиз, ҳолос. Иложи бўлса, ҳамма дабдабасиз ва исрофгарчиликсиз маърақа ўтказса. Аммо, бунинг иложи йўқ. Сабаби — ҳар ким ўз пулини хоҳлаганча сарф қилади, унга тўй-у маърақангни ана шундай ўтказасан, деб тепадан буйруқ беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маслаҳат бериш лозим, аммо буйруқ эмас. Зеро, қонун ҳам бунга йўл қўймайди. Айниқас, ҳуқуқий-демократик жамиятда.

Энди бевоисита тўйлар ҳақида. Ҳали тўй бўлмасиданоқ қудалар бир-бирини ёмон қўриб қолади. Ҳаммаси маросимга кетадиган сарф-харажатлар миқдори туфайли. Тўғри, айрим қудалар тезда келишиб олишади. Бунда икки қуданинг ҳам «бели бақувват» бўлса, албатта. Кўпчилиги кўнгил совиш билан тўй ҳаракатини бошлайди. Бу айна ҳақиқат.

Баъзи қайночаларнинг мана шу тахлитдаги писанда қилишини кўп бора эшитганимиз: «Мен бунни (келинин назарда тутаяпти — А.С) осонлик билан олиб келганманми?»

«Мен фалончидан камманми» ёки «менинг қизим кўчада қолгани йўқ», — дея қудасининг имкониётларини назар-писанд қилмаган қиз отаси уларга қанчалик азоб бераётганини ўйлаб кўрмайди. Агар ўғил фарзанди бўлса, кейинчалик ўзининг бошига ҳам шундай кун тушгач, ўйлаб кўрар балки. Қанчалик асаб бузишлар, қарз сўраб қариндошлар эшигига бош уриш, рўзгор сарф-харажатларини қисқартириш ва бошқалар охири-оқибат тўй бўлишига олиб боради. Ўйлаб кўрсангиз, бир неча йиллар давомиде емай-ичмай, киймай, мисқоллаб йиғилган маблағ бир ҳафтада ботманлаб совурилади. Атиги 2-3 кунлик маросим деб, кейин 3-4 йил қарз тўлаш, кам ейиш ва кам қийиш — бу билиб туриб, онгли ҳолда ўзига жабр қилиш-ку. Нега шундай қиламиз? Ўйлаб-ўйлаб бирор тўхтама қелолмайсан киши. Биз тўйга меъёрдан ортикча озик-овқат, ичмиллик сарфлаш, анчагина пулга саныторларни айтишни қоралаймиз. Дабдабали тўй қилиб, кейин оғир ахволга тушган оилани кўз олиндиришга келтиринг. Ҳар кун бир машамша — ҳали тўй учун олинган қарз-нн сўраб бериб қариндош келди, рўзгорда нимадир етишмаслиги ва ҳоказолар. Кўплаб ёш оилалар ана шу сабабли бузилляпти. Келин-куёвлар никоҳдан кейин узоқ йилларгача рўзгор кемтикларини бутлашда қийналишади. Кўпчилиги бу қийинчиликка чидай олмайди. У ёғи маълум — ажралиш.

Оқ ҳарир қўйлақ келинчақка шундай ярашадими, қараб лол қоласан. Аммо шу қўйлақ бир кунга неча сўмга ижарага олинганини эшитиб,



лас сотиб олса бўлади-ку. Ҳам миллийлигимиз, ўзига ҳослигимизнинг белгиси, ҳам у доимий кийим бўлиб қолади. Биз фақатгина келиннинг бир либоси ҳақида тўхталдик. Энди ўйланг, келинга харид қилинадиган қўша-қўша кийимлар, тилла тақиноқлар, ижарага олинадиган машиналар, озик-овқатлар. Бу қайси мусулмончиликка, ўзбекиона ахлоқ-одоб меъёрларига тўғри келади? Қизик-а, ирим қилиб, келиннинг уйига пиёз, саримсоқ, туз ва аччиқ нарсалар юборилмайди-ю, лекин яшиқ-яшиқ арок-вино берилади. Бухорода ўтадиган тўйларнинг «ўзига хос»-лиги бор, десам адашмайман. Эрталаб падар оши, пешин «ЗАГС» (ёшлар базми), кечаси никоҳ тўйи — мана ўзига хослик. Аслида буларни битта қилиб ўтказиш лозим. Биргина никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимларни санашига ихкала қўлгади бармоқлар ҳам етмайди: «Жавоб берди», «Оқлик оши», «Нон синдириш», «Бозор кечалик», «Ҳайит йўқлови», «Фотиҳа тўйи», «Қуда қақирик», «Падар оши»,

Савоб ишдан четда турмайлик, азизлар.
Амрулло САМАДОВ,
«HUQUQ» мухбири

**ИРОҚДА ШИДДАТЛИ
ЖАНГЛАР КЕТМОҚДА**

Дунё оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, шу кунларда Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар тобора шиддатли тус олмақда. АҚШ кўшинлари Ироқ пойтахтини деярли ўраб олганлар. Шаҳарга кирувчи барча йўллар америкаликлар назоратида. Бағдод гарбида америкаликлар билан мудофаачилар ўртасида қонли тўқнашувлар кетмоқда.

Бирлашган кучлар авиацияси шаҳар устида тез-тез учиб, мудофаада турган Ироқ республика гвардиячиларга ҳаводан зарба бермоқда. Ироқликлар эса самолётларни ракеталар воситасида уриб туширишга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, америкаликлар Бағдодни тўплардан тинимсиз ўққа тутаяпти, дея хабар беради Рейтер агентлиги.

Хабарларга қараганда, шаҳарда кечки 6 дан эрталабки 6 гача комендантлик соати жорий қилинган. Минглаб тинч аҳоли Америка босқинидан хавфсиз раб Бағдодни тарк этмоқда. Халқаро Қизил Хоч кўмитасининг хабарига қараганда, бомбардимонлар авжига чиққан кунлари шаҳар касалхоналарида хар соатда юзлаб кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилган.



ШАХСИ НОМАЪЛУМ

Шу кунларда Чеченистон худудида ўлдирилган эркаклар жасади кўмилган учта ўра топилди. Уларнинг икитаси Эмасули кишлоғи яқинидадир. Тезкор-тергов гуруҳи маълумотига қараганда, одамларнинг қўл ва бошлари кесилган ҳолда бўлган. Марҳумлар ёнидан ҳеч қандай ҳужжат топилмаган. Жасадлар унча чуқур бўлмаган ўрага кўмиб ташланган. Топилган учинчи ўра Грозний шаҳри яқинидадир. Унга икки кишининг жасади кўмилган.

ПАРАНГДА ПОРТЛАШ

Шанба кuni Филиппининг Паранг шаҳридаги автобус саройида портлаш юз берди. Оқибатда тўққиз киши жароҳатланди. Жабрланганлар орасида шаҳар мэри Вивенсо Батага ҳам бор. Портловчи курилма бино ичкарисидаги ўриндик остига ўрнатилган бўлиб, Батага яқин орадаги объект текширувдан қайтиб, бинога кирган пайти портлаган.

**ШИМОЛ КОРЕЙСЛАРИНИНГ
ЯГОНА ЙЎЛИ**

Шимолӣ Корея ҳукумати-нинг баёнотига кўра, АҚШ билан ҳужум қилмаслик тўғрисида имзоланган икки томонлама битим ҳам урушнинг олдини олишга қодир эмас.

Мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг давлат ахборот агентлиги орқали тарқатилган баёнотида айтилишича, Америка босқинидан ҳимояланишнинг ягона йўли улкан ҳарбий қудратга эга бўлишидир.

Корейликларнинг бундай кескин баёнот билан чиқишлари АҚШ президенти Жорж Бушнинг 2002 йили «зулм ўчоқлари» ҳисобланувчи мамлакатлар рўйхатида Афғонистон, Эрон, Ироқ билан биргаче Шимолӣ Кореяни ҳам киритганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин.

**ҲАРБИЙ ЎҚУВ
МАШҚЛАРИ**

Якшанба кuni Россия Тинч океани флотига қарашли «Маршал Шапошников» ва «Адмирал Пантелеев» номли улкан кемалар Владивосток шаҳридан Ҳинд океани томон йўлга чиқишди. У ерда май ойининг бошларида Россия ва Ҳиндистон ҳарбий флотларининг биргаликдаги ўқув машқлари бўлиб ўтади. Кўмондонлик Ироқдаги урушнинг ўшбу машқларга ҳеч бир алоқаси йўқлигини маълум қилган. Тинч океани флоти кемаларининг Форс кўрфазига сафар қилиши тўғрисида биринчи марта ўтган йилнинг ноябрь ойида хабарлар тарқалган эди.

Сувости кемаларига қарши курашишга ихтисослашган «Маршал Шапошников» кемаси Эрон-Ироқ уруши даврида 1988 йили Форс кўрфазига совет кемаларининг хавфсизлигини таъминлаб турган эди.

Журналистларга Тинч океани флоти кўмондони, адмирал Виктор Федоров кемалар манзилга 20-25 кунда етиб боришини, бироқ ўқув машқлари аниқ қаерда ўтишини билмаслигини айтган. Машқларда, шунингдек, Россиянинг Қора денгиз флоти кемалари ҳам иштирок этади.

**ХАВҒЛИ
САВАО**

Жума кuni жиноят ишлари бўйича Лондон марказий суди Буюк Британия мудофаа вазирлигининг собиқ ходими Йан Паррни Россия фойдасига жосуслик қилишга уринганлиги учун 10 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этди. ВAE Systems компаниясининг 45 ясар инженерни ўзини рус разведкачиси деб таништирган Буюк Британия контрразведкаси ходимига янги Storm Shadow қанотли ракетаси тўғрисидаги мутлақо махфий ахборотни тақдим этган. Бунинг учун унга 130.000 фунт-стерлинг мукофот ваъда қилинган эди. У сотишга уринган ахборотнинг баҳоси эса бир неча миллион фунт-стерлингга тенг деб ҳисобланмоқда. Контрразведкачилар Парр билан ўтган йили алоқа ўрнатишга муваффақ бўлишган.

Терговда Парр штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшаб қолиш хавфи туфайли махфий ахборотни сотишга мажбур бўлганлигини тан олган.





ЯНА «АЛ-ҚОИДА» ҲАҚИДА

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, Покистонда қўлга олинган, Усома бин Лодиннинг ёрдамчиси ва 11 сентябрдаги террорчилик хуружининг ташкилотчиларидан бири дея таҳмин қилинаётган Халид шайх Мухаммад «Ал-Қоида» ташкилотининг АҚШдаги бир неча тезкор ходими номларини ошкор қилган. Хусусан, Маждхон деган киши мамлакатдаги турли объектлар ҳақида маълумот тўплаш билан шуғулланади. Ушбу маълумотларнинг қанчалик ишончга лойиқлиги тергов давомида маълум бўлади.

ОРАЧИГА БИР МУШТ...

Хуқуқни муҳофаза қилувчи «Халқаро бирдамлик» ташкилотининг «Тиррик қалқон» ҳаракатида қатнашаётган америкалик 24 яшар Эйвери деган йигит Исроил аскарлари томонидан ўққа тутилиб, юзидан оғир яраланди. Шанба кuni юз берган Ҳудиса ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Эйвери фаластинликларга таҳдид солаётган бронетранспортернинг йўлини тўсқоқчи бўлганида ўққа учган. Ярадорни Исроил госпиталларидан бирига жойлаштирилган.

Ҳудисага изоҳ берад экан, Исроил армияси вакиллари Эйвери исроилликлар ва фаластинликлар ўртасида келиб чиққан отишма пайтида яраланганлигини, бироқ унга айнан кимнинг ўқи текканлигини аниқлашнинг имкони йўқлигини айтишмоқда.



Ўтган йили ер шаридаги миллионлаб футбол ишқибозларининг эътиборини ўзига жалб қилган Йогогама шаҳрида яқинда ROBODEX-2003 кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда робот техникаси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кўплаб фирмалар ўзларининг энг сўнгги моделдаги «темир одам»ларини намойиш қилдилар.

**ҲАЛОКАТ САБАБИ
ЎРТАНИЛМОҚДА**

Россиянинг Тинч океани флоти матбуот хизматидан дуншанба кuni хабар беришларича, яқинда ҳалокатга учраган Ка-27 ҳарбий вертолети экипажининг иккинчи аъзоси, бортмеханик А. Красношечковнинг жасади Усурия кўрфазига 70 метр чуқурликдан сув юзига олиб чиқилган. Илгарироқ шу ердан штурман А.Коровиннинг жасади топилган эди.

Экипажнинг қолган икки аъзосини қидириш давом этмоқда.

Айни пайтда вертолёт денгиз тубидан чиқариб олинди, Николаевкадаги флот базасига келтирилган. Мутахассислар унинг «қора қутиси»даги ёзувларни ўрганишмоқдалар.



МАҲБУСЛАР КЎЗГОЛОНИ

Шанба кuni Гондурас шимолидаги қамқоқоналардан бирида юз берган кўзголон оқибатида 60 га яқин киши ҳалок бўлди. Порт шаҳар ҳисобланмиш Ла-Сейбадаги қамқоқонада ёш маҳбуслардан иборат гуруҳ қолган маҳбусларга ҳужум қилган, сўнг турмага ўт қўйишган. Полициянинг хабар беришича, ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги кўйиш ва бўғилишдан вафот этган. Айримлари эса ёнғин чиққунга қадар уриб ўлдирилган. Бу эса қамқоқоналар маъмурияти маҳбуслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни жиҳдий назорат қилиб бориши зарур эканлигини кўрсатади.

АЙБИГА ИҚРОР ЭМАС

Хорватия полициясининг хабар беришича, Босния хорватларининг собиқ дала командири Ивица Райч ҳибсага олинган. Райч Гаагадаги халқаро трибунал томонидан инсониятга қарши жиноятлар содир этганлигида айбланмоқда. Айбномга мувофиқ, у Босния хорватларига командирлик қилган пайтда ўз аскарларининг Ступни Дол номли мусылмонлар кишлоғига ҳужумини тўхтатмаган, Киселяк шаҳрида эса мусылмонлар қиргин қилинишининг олдини олмаган.

Райчининг ўзи эса ушбу айбловларни рад этмоқда. Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир дейдилар. Бу борада халқаро трибуналнинг фикри ҳам шундай.

НУҚУҚ

YURIDIK GAZETA

Ta'isichilar:

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Onun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:

Abdusoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir Sharofboyev

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Hasan Inoyatov,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar: 133-82-34

E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 332
Nusxasi — 15677

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir: J.MAXSUMOV
Musahhib: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 20.30

YANGI KITOB

АЖДОЛАР ҲАЁТИДАН ҲИКОЯЛАР

Таниқли шарқшунос олим ва ёзувчи Фулом Каримнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилган «Сохибқирон ва аллома» номли тарихий қиссалар тўпламини Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг ўқитувчи ва талабалари ҳам катта қизиқиш билан ўқишмоқда. Чунки, бу тўпламдан ўрин олган уч асарнинг ҳар бирида миллий тарихимизнинг муҳим саҳифалари қизиқарли акс эттирилган.



раларида муфассал ёзиб қолдирган ва ўзи учрашган ўнлаб ҳукмдорлар орасида Амир Темурунинг тенги йўқ давлат арбоби эканлигини самимий эътироф этган.

Асарнинг бизга манзур бўлган жиҳатларидан бири шуки, унда Амир Темурунинг моҳир дипломат эканлиги, Миср ва Европа мамла-

катлари ҳукмдорлари вакиллари билан олиб борган музокаралари орқали кўрсатиб берилган.

Тўпламга сўзбоши ёзган атоқли адиб Тулапберган Каипбергенов ўринли таъкидлаб ўтганидек, «Сохибқирон ва аллома» қиссаси ўзбек адабиётида Амир Темуру образи муваффақиятли яратилган асарлардан биридир. Фикримизча, асарнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири муаллифнинг маъруз даврни қўлзема манбалари ва ўша замон ҳукмдорларининг ўзаро ёзишмалари асосида атрофлича ўрганиб чиққанлигидир. Шунинг учун бўлса керак, асарнинг баъзи саҳифаларида бадийлик ва илмийлик уйғунлашиб кетган.

Ҳозирги пайтда миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқурани ёшлар онига сингдиришда махсус яратилган дарслик ва қўлланмалар билан бир қаторда тарихимизнинг муҳим ва ёрқин саҳифаларини бадий юксак тарзда қаламга олаётган Фулом Карим каби адибларнинг асарлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ҳикматулла ТҮЛИБОВ,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети катта ўқитувчиси



—Аввал ўзим татиб кўрай-чи...

Қиссадан ҳисса

БЕМОР КИЙИК

Бир кийик касал бўлиб ётиб қолибди. Беморни кўргани келган дўстлари кийик кўнглини кўтариш мақсадида бир неча кунлаб шу атрофда қолиб кетадилар. Кунлар ўтибди. Бироз дармонга кирган кийик ўтлашга чиқибди, зиёратчиларнинг кўпчилики бўлганлигидан теварак-атрофда бирон хас-чўп қолмаган экан. Мадорсиз кийик кўшни ўтлоққа етолмай, силласи қуриб нобуд бўлибди. Қиссадан ҳисса: уруг-аймоғи ҳаддан зиёд кўп кишининг гам-ташвиши ҳам бисёр бўлади.

(«Луқмон масаллари» китобидан)

SOHIBQIRON O'GITLARIDAN

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолат ва инсоф юзасидан чора кўрдим.

Дўст-душмандан қимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортои, душманга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Олтмишга кирган отадан ош сўрама.

Барча ишларимнинг тўққиз улушин кенгаиш, тадбир ва машварат, қолган бир улушин эса қилич билан бажо келтирдим.

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф улуғлари ва бузруклари билан ошно тутиндим. Уларнинг миждозларига, табиатига тўғри келсан, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим.

Геометриқ шакл	От	Ўвузлик тимсоли («Авесто»)	Тулаганова	Ўввойи хайвон	Ҳаёт
Ўвуз				Миллат (Осиё)	
Маҳбус		Такрорланиш			
		Умр ... дарб			
Жами	Хорижий фирма	Нота	Боғловчи	Вагон бўлмаси	Дўқ, пўписа
«Хасан ...» б/ф					
			Жанговор хайкирик		
Цирк майдони	Фол		...жон, Са...	Азиз неъмат	
Исбот, далил (русча)					
Қизлар исми					
Ишора			Алам, андух		

Тузувчи: Ф. МАМАШАРИПОВ

НАҲҲИҲА

АЙБСИЗ АЙБДОР

Қандайдир шаҳарнинг нақд киндигида кўриниши кўзни қамаштирадиган «Гузалик салони» қад ростлабди. Очилиш маросими ҳам ниҳоятда тантанали тарзда ташкил этилибди. Лента қирқиш, мусиқа, гуллар, қурувчилар шаънига ҳамду-сано, зиёфат-базм... дегандай.

Лекин ўша кунга яқин шундай қаттиқ шамол турибдики... Хуллас, эртаси не кўз билан кўринсинки, кеча «мақтовларга кўмилган» яп-янги бино ер билан битта бўлиб тўқилиб ётганмиш...

Табиийки, дарҳол, нуфузли текшириш гуруҳи ташкил қилинибди. Сўроққа биринчи бўлиб Фиштни тортишибди.

— Айбимни тан оламан! — дейди Фишт туси оқариб-қизариб. — Бирок, айб фақат мендами?! Мўртлигимга сабаб, мен ясаладиган тупроқнинг мазаси йўқ. Шундай шўрлаб кетган. Ундан сўнг мени пиширадиган заводнинг олов печи ҳам яхши ишламайди. Шундай бўлган...

Иккинчи бўлиб Михни тергов қилишибди.

— Айбимни тўлик бўйнимга оламан! — дебди Мих ярим букилиб. Чунки, ана шу бино қурилишида ярим жон бўлиб ишлаганман. Сабаби сўралса, очик ҳавода, қор-ёمғир тагида ойлаб ётганидан сўнг албатта, занглаб, мадоринг қочиб қолади-да! Кечаги қаттиқ шамол турган кун ҳам шиферни шунча қисаман дейман... Қаерда, танангда қувват бўлмаган бари бекор экан...

Шундан сўнг навбати билан Тахта, Тунука, Арматура ва бошқаларни ҳам сўроққа тутишибди. Барчаси мулзам, ҳаммалари кайфияти тушган ҳолатда эмиш-у, биргина Цемент ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек бепарво ҳолатда ҳавони чагитиб юрганмиш.

Ниҳоят, гали келган уни ҳам сўроққа чорлашибди.

— Ҳўш, айбимни тан оласанми?

Цемент пинагини ҳам бузмабди.

— Асло! Мен айбдор эмасман...

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўрашибди. — Ахир бошқалар барчаси бўйинларига олишди-ку...

— Бошқалар бўлса бордир, — Цементнинг мағрур жавоби эшитилибди. — Айбимни ўзимдан тўла соқит қиламан! Чунки, мен бу бино қурилишида умуман қатнашмаганман!

Муҳаммад ОЧИЛ